

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT RAQOBAT QUMITASI
XUZURIIDAGI QIMMATLI QOFOZLAR BOZORINI
MUVOFIQLASHTIRISH VA RIVOJLANITIRISH MARKAZI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOShQARUVINING
QARORI

96 «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валюта-сидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1692-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 августдаги ПФ-4561-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 36-сон, 477-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 44-сон, 507-модда) асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 4 апрелдаги 2007-04, 290-В-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1692, 2007 йил 22 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 25-26-сон, 274-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Қимматли қоғозлар бозорини
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш
маркази Бош директори**

Б. АТАХАНОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 8 февраль,
2014-06-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 8 февраль,
290-В-1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги
Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлашти-
риш ва ривожлантириш маркази ва Марка-
зий банки Бошқарувининг 2014 йил 8 фев-
ралдаги 2014-06, 290-В-1-сон қарорига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги
қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл
валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиниши, шунингдек
резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар
томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқ-
лаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарор муқаддимасида «Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) 1-банднинг олтинчи хатбошисидagi «Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 5-банднинг иккинчи хатбошисидagi «беш» деган сўз «икки» деган сўз билан алмаштирилсин;

в) 11-бандда «олди-сотдиси бўйича бирламчи бозордаги» деган сўзлар «жойлаштириш бўйича олди-сотди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 12-банднинг биринчи хатбошисида «олди-сотдиси бўйича иккиламчи бозордаги» деган сўзлар «муомаласи бўйича олди-сотди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Норезидентлар томонидан давлат активларини акция кўринишида сотиб олиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.»;

е) 20 ва 38-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.